



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СТРЕСС-ТЕСТНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ВА ТАҲЛИЛИ

*Максудова Саида Сакиевна,*

*Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси  
Тошкент, Ўзбекистон*

## THE PRACTICE AND ANALYSIS OF CONDUCTING STRESS TESTS TO ENSURE THE FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS

*Maksudova Saida Sakiyevna,*

*Independent Researcher at Tashkent Financial Institute  
Tashkent, Uzbekistan*

**JEL classification: G21, G24, G28, G33, G34.**

**Аннотация.** Тижорат банклари молиявий барқарорлигини аниқлаш, юзага келиши мумкин салбий ҳолатларни олдиндан прогноз қилиш, салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини ўлчаш мақсадида турли сценарийларда стресс-тестлар муайян тарзда ўтказилиб келинмоқда.

Мазкур мақолада тижорат банкларини стресс-тестдан ўтказишнинг аҳамияти, долзарблиги, уни ўтказиш бўйича талаблар ва тартиблар, стресс-тест ўтказиш усуллари тадқиқ қилинган. Шунингдек, АТ Алоқабанкда ликвидлик ва кредит рисклари Марказий банк томонидан тавсия қилинган йўналишлар бўйича стресс-тестдан ўтказиш таҳлил қилинган.

**Abstract.** In order to determine the financial stability of commercial banks, predict possible negative situations in advance, identify negative influencing factors and measure their impact, stress tests are being conducted in a certain way in various scenarios.

*This article examines the importance and relevance of stress testing of commercial banks, the requirements and procedures for conducting it, and methods of stress testing.*

Also, liquidity and credit risks at AT Aloqabank were analyzed in accordance with the directions recommended by the Central Bank.

**Калим сўзлар:** стресс-сценарий, тарихий сценарийлик, гипотетик, сценарийлик, пессимистик сценарий, критик сценарий, катастрофик сценарий, банк депозит портфели, банк кредит портфели, муаммоли кредитлар, стресс-тест: бир омилли, кўп омилли, индивидуал, комплекс, интеграл, тескари.

**Keywords:** stress scenario, historical scenario, hypothetical, scenario, pessimistic scenario, critical scenario, catastrophic scenario, bank deposit portfolio, bank loan portfolio, problem loans, stress test: one-factor, multi-factor, individual, complex, integral, reverse.

**Кириш.** Мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида "...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий

тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Мазкур вазифа ижросини таъминлашда банкларнинг асосий фаолият турлари, хусусан, банкнинг кредитлаш жараёнини такомиллаштириб бориш, банк кредит портфелининг сифат даражасини кўтариш, банк фаолияти ва диверсификация даражасини ошириш, банк фаолиятида юзага келадиган турли хил рискларни самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш, банкларда мустаҳкам камитал базасини шакллантириш ва уларни халқаро меъёрларга мослаштириб бориш, банкларда стресс-тест ўтказиш тизимини йўлга қўйиш ва рискларни олдини олишда ундан самарали фойдаланиш, келгусида банкнинг молиявий ҳолати бўйича прогноз қилиш имкониятларини ошириш, банкларнинг ресурс базаси барқарорлигини таъсинлаш, муддатли депозитлар ҳажмини ошириш, замонавий банк хизматларини кенг жорий этиш ҳамда инновайон банк хизматлари сони ва сифатини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни асослаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

**Материал ва метод.** Гарвард университети профессори, Нобель мукофоти соҳиби Роберт С. Мертоннинг фикрича, “молиявий институтлар ўртасида соф рақобат даражаси ошиши ва маълумотлар шаффофлиги таъминланиши молиявий барқарорлик даражаси мустаҳкамланишига олиб келади” [2].

О.Н.Литун илмий тадқиқотларида “кўпукладли банк тизими самарали ҳисобланади дея таъкидлайди ва кўпукладли банк тизимига турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг мавжуд бўлиши, банклар ҳажмига ва фаолияти йўналишларига асосий эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқ” эканлигини урғулайди [3].

Г.Фетисовнинг муҳим илмий хулосаларида «...алоҳида олинган банкнинг барқарорлиги билан банк тизимининг барқарорлиги ўртасида қандай диалектик алоқадорлик мавжуд бўлса, банк секторининг барқарорлиги билан бутун иқтисодиётнинг барқарорлиги ўртасида шундай диалектик алоқадорлик мавжуд» эканлиги таъкидланганлигини учратиш мумкин [4].

А.М.Тавасиевнинг фикрича, “назорат хулосалари асосида банк ўз фаолияти йўналишини, параметрлари ва натижаларини ўзгартириш ёки фаолиятида ўзгаришлар қилишни ҳаракатлантиришга қаратиши керак, акс ҳолда ушбу қарорларни қабул қилмаслик банкнинг ўзига, унинг миқдорлари ва омонатчиларига ҳамда бутун банк тизимига салбий таъсир этиши мумкин” [5].

Профессор Ф.Холмаматовнинг таърифига кўра, «Молиявий барқарорлик миллий иқтисодиётнинг фаолият юритиши ва пул-кредит сиёсатини самарали амалга оширишнинг асосий шартидир. Барқарор молиявий тизимни алоҳида таркибий қисмлар - молиявий воситачилар ва молия бозори инфратузилмаси ўз функцияларини бажарадиган ва потенциал зарбаларга чидамли бўлган тизим сифатида таърифланиши мумкин» [6].

Маҳаллий олимлардан О.Саттаровнинг илмий тадқиқотларида

“тижорат банки барқарорлиги орқали банк тизими барқарорлигига, банк тизими барқарорлиги эса мамлакат иқтисодий барқарорлигига хизмат қилиши нуқтаи-назаридан қараш банк тизими ривожланиши ва барқарор фаолият юритишига имкон беради” деган хулосаларни кўриш мумкин [7].

М.Аҳмедов тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда “тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, уларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозит маблағлари ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш амалиётини ривожлантириш ва уларнинг муддатли ҳамда жамғарма депозит операциялардан манфаатдорлигини янада ошириш мақсадида, ушбу ресурс манбалари бўйича ўрнатилган мажбурий захира ажратмаларига Марказий банк томонидан имтиёзлар жорий этилиши мақсадга мувофиқ” [8].

Мақолада гуруҳлаш, қиёсий таққослаш, индукция, дедукция, кузатув, назарий ва амалий таҳлил, синтез ва коэффициент усулларидан фойдаланилди.

**Натижалар.** Ўзбекистон тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва уни таъминлаш мақсадида замонавий ҳамда халқаро даражада тан олинган, кенг қўлланиладиган “Халқаро валюта жамғармаси кўмагида иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш” вазифаси белгилаб қўйилган [9].

Хусусан, 2023 йилда Марказий банк томонидан банк тизими ва тижорат

банкларининг молиявий барқарорлиги бўйича тегишли молиявий кўрсаткичларини талаб этилган меъёрий даражада бўлишини таъминлаш ҳамда турли салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ташқи иқтисодий рискларнинг олдини олиш ёки салбий таъсир доирасини камайтириш ва банкларнинг бардошлилик даражасини оширишга асосий эътибор қаратилди. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини аниқлаш, юзага келиши мумкин салбий ҳолатларни олдиндан прогноз қилиш, салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини ўлчаш мақсадида турли сценарийларда стресс-тестлар муайян тарзда ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, банк капитали ва ликвидлигига қўйилган меъёрлар такомиллаштирилиб борилмоқда. Натижада, банк капитали етарлиги ва банк тизими ликвидлиги бўйича ҳолат халқаро меъёрлардан доимий равишда баландроқ бўлиб, банк тизими ва банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Банк rischi нуқтаи назаридан стресс-тестдан ўтказишни сценарийлар таҳлили орқали амалга оширилади. Стресс-сценарийлар ўз кўрсаткичлари ва фаолияти билан боғлиқ рискларни ҳисобга олган ҳолда банклар томонидан ҳар бир банк мустақил тарзда ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда стресс-тест ўтказиш мақсадида ташқи сценарийлар, жумладан Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган сценарийлардан фойдаланиш мумкин.

Сценарий ўз ичига ўзгарувчан кўрсаткичлар ва уларнинг Банкнинг молиявий аҳволига таъсири, макроиқтисодий ҳамда банклараро бозор ҳолати, сценарий оқибатлари ҳамда уларни бартараф қилиш бўйича амалга

ошириладиган чора-тадбирлар режасини ўз ичига олиши лозим. Стресс-сценарий бир ёки бир неча (ликвидлик, кредит, операцион, обрў-эътибор ва ҳ.к.) рискларни ўз ичига олиши мумкин. Стресс-сценарийларни ишлаб чиқишда риск омилларининг тарихий ўзгариши билан биргаликда гипотезага асосланган (эҳтимолий) омилларнинг ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш лозим. Стресс-сценарий молиявий бозорнинг юқори даражадаги тебраниши ёки бозордаги ликвидлик шоки, Банк томонидан ажратилган йирик суммадаги кредитлар сифатининг ёмонлашиши каби ҳолатларини ўз ичига олиши лозим.

Фикримизча, сценарийларни ишлаб чиқишда стресс ҳолатларда давлат ва назорат қилувчи органлар томонидан Банкка қўшимча ёрдам кўрсатилиш эҳтимолини ҳисобга олмаслик мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Одатда сценарийлар Банкнинг тегишли бўлинмалари билан келишилган бўлиши ҳамда Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади. Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказишда фойдаланиладиган сценарийлар йилига камида бир марта қайта тасдиқланиши банк барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки бунда барча соҳада бўлаётган ўзгаришлар (иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий, халқаро ва бошқалар)ни ўз ичига қамраб олиш даражаси ортади ва сценарий мукамал ишлаб чиқилади.

Стресс-тестни ўтказишда бир қанча усулларида фойдаланилади. Шуларнинг асосийларини кўриб чиқамиз:

а) тарихий сценарийлик – Банк ўз амалиётида авваллари дуч келган риск омилларининг кескин ўзгаришига асосланган стресс-тест;

б) гипотетик сценарийлик – Банк фаолиятида содир бўлмаган, лекин инқироз ҳолатида содир бўлиши мумкин бўлган риск омилларининг ўзгаришига асосланган стресс-тест (ўз навбатида сценарийнинг кескинлигига қараб пессимистик, критик, катастрофик стресс-тестларга бўлинади)

в) бир омиллик-рискнинг фақатгина бир омили ўзгаришининг стресс-тести (хусусан, бир миждо ёки бир соҳага тегишли миждоларнинг пул маблағларининг чиқиб кетиши)

г) кўп омиллик – рискнинг бир неча омиллари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги стресс-тест;

д) индивидуал – алоҳида бир турдаги риск бўйича стресс-тест ўтказиш;

е) комплекс – икки ёки ундан ортиқ рискларни ҳисобга олган ҳолда стресс-тестдан ўтказиш (хусусан, ликвидликни стресс-тестдан ўтказишда кредит ва бозор рискларини инобатга олиш);

ж) интеграл – Банк учун хос бўлган барча турдаги рисклар бўйича стресс-тест ўтказиш;

з) тесқари стресс-тест Банк банкротлиги содир бўладиган кризис сценарийни аниқлаш.

АТ Алоқабанқда ликвидлилик ва кредит рисклари Марказий банк томонидан тавсия қилинган йўналишлар бўйича стресс-тестдан ўтказишни таҳлил қиламиз.

1. Банк депозит портфели миқдорий ўзгаришларининг статистик таҳлили асосида стресс-тест.

01.01.2020 йилдан 01.01.2023 йилгача бўлган давр оралиғида банк депозитларининг миқдорий ўзгаришлари таъсир этувчи омил сифатида вақт бирлиги (1 ой) олинган ҳолда статистик таҳлил қилинди. Таҳлил қилинган даврда

банк депозитлари суммаси кескин тебранишларга учраганлиги сабабли

стандарт четланиш суммаси юкори чикди.

1-жадвал

**01.01.2020-01.01.2023 - йиллар давомида банк депозит портфели миқдорий ўзгаришларининг статистик таҳлили натижалари<sup>1</sup>**


<i>Жами депозитлар</i>		<i>Муддатли депозитлар</i>	
Ўртача	5 548 052	Ўртача	3 827 816
Стандарт хатолик	158 024	Стандарт хатолик	104 105
Медиана	4 962 201	Медиана	3 672 765
Стандарт четланиш	961 223	Стандарт четланиш	633 247
Дисперсия	923 950 487 309	Дисперсия	401 001 438 947
Интервал	3 168 080	Интервал	1 837 213
Минимум	4 529 577	Минимум	3 036 436
Максимум	7 697 657	Максимум	4 873 649
Сумма	205 277 913	Сумма	141 629 197
Сони	37	Сони	37
Ишонччилик кўрсаткичи (97%)	357 060	Ишонччилик кўрсаткичи (97%)	235 229
<i>Жамғарма депозитлар</i>		<i>Муддатсиз депозитлар</i>	
Ўртача	162 726	Ўртача	1 557 510
Стандарт хатолик	23 327	Стандарт хатолик	74 914
Медиана	83 949	Медиана	1 327 608
Стандарт четланиш	141 892	Стандарт четланиш	455 684
Дисперсия	20 133 288 367	Дисперсия	207 648 138 486
Интервал	399 788	Интервал	1 808 237
Минимум	24 767	Минимум	978 040
Максимум	424 555	Максимум	2 786 277
Сумма	6 020 862	Сумма	57 627 854
Сони	37	Сони	37
Ишонччилик кўрсаткичи (97%)	52 708	Ишонччилик кўрсаткичи (97%)	169 270

Статистик таҳлил натижаларига кўра таҳлил қилинган давр учун банк жами депозитлари математик кутилмаси (арифметик ўртача) 5 548,1 млрд сўмни, стандарт четланиш 961,2 млрд сўмни ташкил этади. Диаграмма маълумотларидан кўришиб турганидек, депозитлар суммаси кескин ўзгаришларга учраган. Статистик таҳлилнинг “Уч сигма қоидаси”дан келиб чиққан ҳолда, яъни депозитлар суммасининг даврий ўзгаришини нормал тақсимот қонуни

асосида рўй берган деб ҳисобласак, келгуси давр учун банк жами депозитларининг ўзгариши 2 664,4 млрд сўм интервалида юз бериши мумкин. Аниқланган ўзгариш интервалининг катта эканлиги таҳлил натижаларини амалиётга жорий этиш имкониятларини камайтиради. Шу билан бирга, ҳозирда ҳамкор мамлакатлардаги, хусусан Россия ва Украинадаги геосиёсий вазият боис Россия Федерациясига нисбатан қўлланилган иқтисодий санкциялар

<sup>1</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

натijasida mintaqada noquлай иқтисодий шароит юзага келган.




**1-расм. 01.01.2020 - 01.01.2023 йиллар давомида банк томонидан жалб қилинган жами депозитлар суммаси ўзгариш тенденцияси<sup>2</sup>, млрд сўмда**

Санкцияларнинг давом этиши мумкинлиги ва кўламини, у келтириб чиқарадиган иқтисодий оқибатларни аниқ баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Мавжуд ноаниқликлар шароитида банк даромадлигидан кўра молиявий барқарорлигини таъминлашга асосий эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ. Яъни, банк даромадлигининг янада қисқариши, кредит портфели сифатининг маълум даража ёмонлашуви, банк

мижозлари иқтисодий фаоллигининг янада пасайишини прогноз қилиш мумкин. Банк кредит портфелидаги сифат ўзгаришларининг миграцион таҳлили асосида стресс тест. Банк кредит портфели сифат ўзгаришлари охириги икки йил учун ойма-ой таҳлил қилиб чиқилди.

Бунда кредитлар сифатидаги ўзгаришлар -4 (стандарт-умидсиз) дан +4 (умидсиз-стандарт) оралиғида тебранишларга учраган деб олинди.



**2-расм. Банк кредит портфелидаги сифат ўзгаришларининг миграцион таҳлили<sup>3</sup>**

Диаграмма маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил қилинган даврда -1 даража ўзгариш, яъни кредитлар сифат кўрсаткичининг бир поғона яхшиланиши


энг кўп улушга эга бўлган. Бунда 1,8 фоиз кредитлар таҳлил қилинган даврда сифати бир поғона ёмонлашган. +1 даражада ўзгариш яъни кредитлар сифатининг бир

<sup>2</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

<sup>3</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

поғона яхшиланиши 1,07 фоиз ҳолатларда юз берган. Кредит сифат кўрсаткичлари миграциясининг қолган даражалари 0,5 фоиздан кам ҳолатда содир бўлган.

Стандарт ва субстандарт кредитларнинг NPLга айланишининг



3-расм. Стандарт ва субстандарт кредитларнинг NPLга ўтиш тенденцияси<sup>4</sup>

01.04.2021-01.05.2022 йил оралиғида банк кредит портфели сифатининг кескин ёмонлашуви юз берган бўлиб, ушбу саналарда мазкур кўрсаткич мос равишда 4,3 ва 4,9 фоизларни ташкил этган. 01.07.2021 йилдан 01.10.2022 йилгача бўлган даврда мазкур кўрсаткич қисқа диапазонда тебраниб турган ва умумий пасайиш тенденциясига эга бўлган. 01.11.2022 йил ҳолатига ушбу кўрсаткич 1,6 фоизни

миграцион таҳлили натижаларига кўра, 01.01.2021 йилдан 01.03.2021 йилгача бўлган даврда банк кредит портфелидаги стандарт ва субстандарт кредитлардан 0,1 фоизгача бўлган қисми NPLга ўтган.

ташкил этгани ҳолда нисбий ўсиш кузатиш бўлса, ҳисобот санасига келиб ҳолат мўтадиллашиб 0,2 фоизгача пасайган. Ўтган икки йиллик давр маълумотларидан фойдаланиб ўтказилган статистик таҳлил натижаларига кўра, стандарт ва субстандарт сифатли кредитларнинг NPLга айланишининг фоиз кўрсаткичи 0,86 фоизни ташкил этади.

## 2-жадвал

### 01.01.2023 йил ҳолатига банк кредит портфели сифат таркиби<sup>5</sup>, млн сўмда

Таснифланиши	Микдори	Тутган улуши
Стандарт кредитлар	8 874 674,4	94,8%
Субстандарт кредитлар	101 350,1	2,0%
Қониқарсиз кредитлар	69 693,1	1,2%
Шубҳали кредитлар	80 293,3	1,3%
Умидсиз кредитлар	35 866,0	0,8%
<b>Жами</b>	<b>9 161 876,9</b>	<b>100,0%</b>
<b>Стресс сценарийлар</b>		
1-сценарий		2-сценарий

<sup>4</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

<sup>5</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

NPL кўрсаткичи	Захира	NPL кўрсаткичи	Захира
<b>0,80%</b>	<b>36 010,9</b>	<b>1,30%</b>	<b>58 451,0</b>

Стандарт ва субстандарт сифатли активларнинг NPLга ўтишининг банк капитал етарлилигига таъсири бўйича иккита сценарий асосида стресс тест амалга оширилди. Юқорида қайд

этилганидек, статистик таҳлил натижалари стандарт ва субстандарт сифатли кредитларнинг NPLга айланишининг фоиз кўрсаткичи 0,86 фоизни ташкил этишини кўрсатди.

### 3-жадвал

**01.01.2023 йил ҳолатига стандарт ва субстандарт сифатли кредитларнинг NPLга ўтишининг банк капитал етарлилигига таъсири стресс-тести (1-сценарий)<sup>6</sup>, млн сўм**

№	Номланиши	Жорий ҳолат	Стресс тест	Ўзгариш
<b>I.</b>	<b>I даражали капитал</b>	<b>1 463 719,9</b>	<b>1 463 719,9</b>	<b>0</b>
1	<b>I даражали асосий капитал</b>	<b>1 461 506</b>	<b>1 461 506</b>	<b>0</b>
1.1.	<b>Оддий акциялар</b>	<b>948 877</b>	<b>948 877</b>	-
1.2.	<b>Оддий акциялар бўйича қўшимча капитал</b>	<b>3 870</b>	<b>3 870</b>	-
1.3.	<b>Тақсимланмаган фойда</b>	<b>606 491</b>	<b>606 491</b>	<b>0</b>
a	<i>Капитал захиралар</i>	<i>504 720</i>	<i>504 720</i>	-
б	<i>Тақсимланмаган фойда</i>	<i>101 771</i>	<i>101 771</i>	0
c	<i>Жорий йил зарари</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	-
1.4.	<b>I даражали капиталдан чегирмалар</b>	<b>97 732</b>	<b>97 732</b>	-
a	<i>Номоддий активлар</i>	<i>1 886</i>	<i>1 886</i>	-
б	<i>Бирлашмаган корхоналарга киритилган инвестициялар</i>	<i>95 846</i>	<i>95 846</i>	-
2	<b>I даражали қўшимча капитал</b>	<b>2 214</b>	<b>2 214</b>	-
2.1.	<i>Нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар</i>	<i>2 178</i>	<i>2 178</i>	-
2.2.	<i>Имтиёзли акциялар бўйича қўшимча капитал</i>	<i>36</i>	<i>36</i>	-
3	<b>II даражали капитал</b>	<b>481 291</b>	<b>445 280</b>	<b>-36 011</b>
3.1.	<i>Жорий йил фойдаси</i>	<i>228 394</i>	<i>192 384</i>	<i>-36 011</i>
3.2.	<i>Стандарт активларга яратилган захиралар</i>	<i>102 194</i>	<i>102 194</i>	-
3.3.	<i>Қайта баҳолаш захираси</i>	<i>2 467</i>	<i>2 467</i>	-
3.4.	<i>Капиталга қўшилувчи бошқа захиралар</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	-
3.5.	<i>Субординар қарз мажбуриятлари</i>	<i>148 235</i>	<i>148 235</i>	-
4	<b>Жами Регулятив Капитал</b>	<b>1 945 011</b>	<b>1 909 000</b>	<b>-36 011</b>
5	<b>Рискка тортилган активлар умумий суммаси</b>	<b>15 578 589</b>	<b>15 578 589</b>	<b>0</b>

<sup>6</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари



<i>a</i>	<i>Баланс ва балансдан ташқари рискка тортилган активлар</i>	14 764 487	14 764 487	0
<i>б</i>	<i>Операцион риск</i>	621 025	621 025	-
<i>с</i>	<i>Бозор rischi</i>	193 077	193 077	-
<b>6</b>	<b>Левераж коэффиценти учун активлар суммаси</b>	<b>18 573 432</b>	<b>18 573 432</b>	<b>-</b>
<i>a</i>	<i>Жами активлар</i>	16 083 550	16 083 550	-
<i>б</i>	<i>Балансдан ташқари инструментлар</i>	2 585 758	2 585 758	-
<b>7</b>	<b>I ДАРАЖАЛИ АСОСИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ</b>	<b>9,38%</b>	<b>9,38%</b>	<b>0,00%</b>
<b>8</b>	<b>I ДАРАЖАЛИ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ</b>	<b>9,40%</b>	<b>9,40%</b>	<b>0,00%</b>
<b>9</b>	<b>УМУМИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ</b>	<b>12,49%</b>	<b>12,25%</b>	<b>-0,23%</b>
<b>10</b>	<b>ЛЕВЕРАЖ КОЭФФИЦИЕНТИ</b>	<b>7,88%</b>	<b>7,88%</b>	<b>0,00%</b>

Мазкур ҳолат стресс сценарий учун асос қилиб олиниб, банкда муаммоли қарздорликлар (NPL) ортиши, кредитлар сифатининг ёмонлашишига мутаносиб равишда захира яратилишининг банк капитал етарлилигига таъсири ўрганилди. Биринчи сценарийга кўра стандарт ва субстандарт кредитларнинг ойма-ой 0,8 фоиз қисми NPLга ўтиши натижасида

36,0 млрд сўм миқдориди захира яратиш зарурати юзага келади.

Бунда банк регулятив капитали ҳам шунча суммага камаяди.

Стресс ҳолат натижасида банк регулятив капитали етарлилиги кўрсаткичи 0,23 фоиз пунктга пасайиб, 12,25 фоизни ташкил этади.

#### 4-жадвал

01.01.2023 йил ҳолатига стандарт ва субстандарт сифатли кредитларнинг NPLга ўтишининг банк капитал етарлилигига таъсири стресс тести (2-сценарий)<sup>7</sup>, млн сўм

№	Номланиши	Жорий ҳолат	Стресс тест	Ўзгариш
<b>И.</b>	<b>I даражали капитал</b>	<b>1 463 719,9</b>	<b>1 463 719,9</b>	<b>0</b>
<b>1</b>	<b>I даражали асосий капитал</b>	<b>1 461 506</b>	<b>1 461 506</b>	<b>0</b>
<b>1.1.</b>	<b>Оддий акциялар</b>	<b>948 877</b>	<b>948 877</b>	<b>-</b>
<b>1.2.</b>	<b>Оддий акциялар бўйича қўшимча капитал</b>	<b>3 870</b>	<b>3 870</b>	<b>-</b>
<b>1.3.</b>	<b>Тақсимланмаган фойда</b>	<b>606 491</b>	<b>606 491</b>	<b>0</b>
<i>a</i>	<i>Капитал захиралар</i>	504 720	504 720	-
<i>б</i>	<i>Тақсимланмаган фойда</i>	101 771	101 771	0
<i>с</i>	<i>Жорий йил зарари</i>	0	0	-
<b>1.4.</b>	<b>I даражали капиталдан чегирмалар</b>	<b>97 732</b>	<b>97 732</b>	<b>-</b>

<sup>7</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

<i>a</i>	<i>Номоддий активлар</i>	<i>1 886</i>	<i>1 886</i>	<i>-</i>
<i>б</i>	<i>Бирлашмаган корхоналарга киритилган инвестициялар</i>	<i>95 846</i>	<i>95 846</i>	<i>-</i>
<b>2</b>	<b>I даражали қўшимча капитал</b>	<b>2 214</b>	<b>2 214</b>	<b>-</b>
2.1.	<i>Нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар</i>	<i>2 178</i>	<i>2 178</i>	<i>-</i>
2.2.	<i>Имтиёзли акциялар бўйича қўшимча капитал</i>	<i>36</i>	<i>36</i>	<i>-</i>
<b>3</b>	<b>II даражали капитал</b>	<b>481 291</b>	<b>422 840</b>	<b>-58 451</b>
3.1.	<i>Жорий йил фойдаси</i>	<i>228 394</i>	<i>169 943</i>	<i>-58 451</i>
3.2.	<i>Стандарт активларга яратилган захиралар</i>	<i>102 194</i>	<i>102 194</i>	<i>-</i>
3.3.	<i>Қайта баҳолаш захираси</i>	<i>2 467</i>	<i>2 467</i>	<i>-</i>
3.4.	<i>Капиталга қўшилувчи бошқа захиралар</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>-</i>
3.5.	<i>Субординар қарз мажбуриятлари</i>	<i>148 235</i>	<i>148 235</i>	<i>-</i>
<b>4</b>	<b>Жами Регулятив Капитал</b>	<b>1 945 011</b>	<b>1 886 560</b>	<b>-58 451</b>
<b>5</b>	<b>Рискка тортилган активлар умумий суммаси</b>	<b>15 578 589</b>	<b>15 578 589</b>	<b>0</b>
<i>a</i>	<i>Баланс ва баланسدан ташқари рискка тортилган активлар</i>	<i>14 764 487</i>	<i>14 764 487</i>	<i>0</i>
<i>б</i>	<i>Операцион риск</i>	<i>621 025</i>	<i>621 025</i>	<i>-</i>
<i>с</i>	<i>Бозор rischi</i>	<i>193 077</i>	<i>193 077</i>	<i>-</i>
<b>6</b>	<b>Лeverаж коэффициенти учун активлар суммаси</b>	<b>18 573 432</b>	<b>18 573 432</b>	<b>-</b>
<i>a</i>	<i>Жами активлар</i>	<i>16 083 550</i>	<i>16 083 550</i>	<i>-</i>
<i>б</i>	<i>Баланسدан ташқари инструментлар</i>	<i>2 585 758</i>	<i>2 585 758</i>	<i>-</i>
<b>7</b>	<b>I ДАРАЖАЛИ АСОСИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ</b>	<b>9,38%</b>	<b>9,38%</b>	<b>0,00%</b>
<b>8</b>	<b>I ДАРАЖАЛИ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ</b>	<b>9,40%</b>	<b>9,40%</b>	<b>0,00%</b>
<b>9</b>	<b>УМУМИЙ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ</b>	<b>12,49%</b>	<b>12,11%</b>	<b>-0,38%</b>
<b>10</b>	<b>ЛЕВЕРАЖ КОЭФФИЦИЕНТИ</b>	<b>7,88%</b>	<b>7,88%</b>	<b>0,00%</b>

Иккинчи сценарийга кўра, стандарт ва субстандарт сифатдаги кредитларнинг NPLга айланишининг фоиз кўрсаткичи аниқланган статистик ўртача (0,8 фоиз)дан ташқари 0,5 фоизни жами 1,3 фоизни ташкил этади. Ушбу сценарийга кўра стандарт ва субстандарт кредитларнинг ойма-ой 1,3 фоиз қисми NPLга ўтиши натижасида 58,5 млрд сўм миқдоридан захира яратиш зарурати юзага келади. Бунда банк регулятив капитали 58,5 млрд сўмга камаяди, стресс ҳолат натижасида банк регулятив капитали

етарлилиги кўрсаткичи 0,38 фоиз пунктга пасайиб, 12,11 фоизни ташкил этади.

3. Пессимистик сценарий асосида стресс-тест.

Пессимистик сценарийга кўра бир неча риск омиллари бир пайтда юзага келиши сабабли (хусусан, банкка жойлаштирилган депозитларнинг 35 фоизи қайтариб олинishi ҳисобига 1 704,1 млрд. сўм, банклараро депозитларни жалб қилиш бўйича лимитларнинг қисқариши ҳамда ҳозирда жалб қилинган депозитларни чиқиб кетиши ҳисобига

313,4 млрд. сўм) жами бир ой ичида 2 017,5 млрд. сўмлик маблағларнинг соф чиқими кузатилади.

Банк ликвидлигини кўллаб-қувватлаш бўйича барча мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда банкда 790,7 млрд. сўм миқдориди маблағлар қолади. Яъни, банк бу сценарийга кўра тўловларни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келади аммо тўловга қобиллигини йўқотмайди. Банк миқозлар тўловлари ва жорий мажбуриятлар бўйича маблағлар чиқимини таҳлил қилинаётган даврда қайтарилган кредитлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда шу давр ичида қайтган кредитларнинг 10 фоизи банк ликвидлигини таъминлаш мақсадида банкда сақлаб қолинади.

Бундай шароитда, банкда юқори харажатга асосланган кескин қарорлар қабул қилиш зарурияти туғилмайди, аммо банк ликвидлигини ошириш, кредит портфели сифатини яхшилаш, миқозлар базасини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар ташкил этиш керак бўлади. Банкнинг тўлов қобилияти ортиқча йўқотишга учрамайди, шу билан бирга банкда Марказий банк томонидан банк ликвидлигига нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативларнинг бажарилмаслик эҳтимоли юзага келади.

**Хулоса.** Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда Стресс-тестни ўтказиш амалиёти таҳлили натижаси бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказишда асосан 3 та сценарийдан

фойдаланилади: пессимистик, критик ва катастрофик сценарийлар.

#### 1. Пессимистик сценарий

Ушбу сценарийда Банк иқтисодий кўрсаткичларининг ёмонлашиши, оммавий ахборот воситаларида Банк ҳақида салбий ахборотлар тарқалиб кетиши каби омиллар натижасида Банкда инқироз юзага келиш эҳтимоли вужудга келади.

#### 2. Критик сценарий

Ушбу сценарий пессимистик босқичнинг чуқурлашган ҳолати бўлиб, инқирознинг олдини олишнинг имкони бўлмагани ёки етарлича чора-тадбирлар амалга оширилмаслиги натижасида келиб чиқади.

#### 3. Катастрофик сценарий

Катастрофик сценарийда Банкнинг барча иқтисодий кўрсаткичлари тушиб кетади, миқозларнинг Банкка бўлган ишончи деярли қолмайди, бошқа банklar ҳамкорлик қилишдан бош тартади, банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолади.

Фикримизча, банкда рискка тортилган активлар салмоғининг ортишига банк томонидан даромад келтирмайдиган, бир вақтнинг ўзида рискка тортилган актив ҳисобланувчи активларга сармоя киритилиши таъсир кўрсатади. Шунингдек, банкда хорижий валютада шакллантирилган активлар хусусан, кредитлар мавжуд бўлиб миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан кескин девалвацияга учраши банк кредит портфелининг “сунъий” равишда ошишига ва банк капитал етарлигида муаммолар кузатилишига олиб келади.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. Solow R.M. Why is there no Milton Friedman today? // *Economical Journal Watch*, May 2013, vol. 10(2), pp. 214-216.
3. Литун О.Н. Объективные предпосылки структурной перестройки банковского сектора экономики России» // *Вестник ОГУ* // №4 2022. С. - 72-88.
4. Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы .-М.: Финансовая академия, 2002. - С. 11
5. Банковское дело: базовые операции для клиентов: Учеб.пособие/ Под ред. А.М.Тавасиева.-М.:Финансы и статистика, 2005.С.-236.
6. Холмаматов Ф. “Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини ошириш йўллари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Тошкент 2023. Б. 46.
7. Сагторов О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. -Тошкент, 2018.-46 б.
8. Аҳмедов М.У. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаоллигини ошириш масалалари. // *Иқтисод ва молия илмий журнали*. №10. 2011. – Б. 47-52.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонининг иловасини 117 банди.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг маълумотлари